# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 21 февраль, № 36 (7266) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ўтган йили май ойида АҚШга расмий ташриф давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли стратегик шерикликда янги даврни бошлаб берганини қайд этди.

Бугунги кунда кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бормоқда, инновациялар, саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2018 йилда ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди.

Президентимиз АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги томонидан ташкил этилаётган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференцияси илк бор мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани ҳамда бугунги даврнинг энг ўткир муаммоларидан бири — Афғонистондаги қуролли можарони муҳокама қилиш ва уни ҳал этишга ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш учун майдон эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳамда хавфсизлик соҳасидаги шериклик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жозеф Вотел давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва конференцияни Тошкентда ўтказиш имконияти учун миннатдорлик билдирди.

АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони ушбу тадбир якунида томонлар минтақада тинчлик ва фаровонликни таъминлаш йўлида конструктив шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқишларига ишонч билдирди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни электр энергетикаси тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Электр энергетикаси иқтисодиёт ривожи, ҳаёт сифатини таъминлайдиган асосий манбалардан бири. Бу тармоқда қатор камчиликлар мавжудлиги белгиланган ислоҳотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатимизни инновацион ривожлантиришга халақит қилаётган эди.

Шу боис Президентимизнинг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Унга электр энергетикаси ҳамда нефть-газ соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш бўйича катта ваколатлар берилди.

2019 йилги Инвестиция дастурига электр энергияси тизими бўйича умумий қиймати 8,1 миллиард долларлик 33 та лойиҳа киритилган. Жорий йил қарийб 620 миллион доллар ўзлаштирилиб, 7 та йирик лойиҳа ишга туширилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, халқаро молия институтлари иштирокидаги “Тахиатош иссиқлик электр станциясидан Хоразм — Саримой пунктигача 220 киловольтли электр линияларини тортиш”, “Юқори кучланишли подстанцияларни модернизация қилиш”, “Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш” лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари кечиккан. Шу боис Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига халқаро молия ташкилотлари маблағларини тўлиқ ўзлаштириш, лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, маблағларни иқтисод қилиш вазифаси қўйилди.

Электр энергияси қувватларини модернизация қилиш ишлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Тармоқда инвестиция сиёсати нотўғри ташкил этилгани, яъни тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга умуман эътибор қаратилмагани танқид қилинди. Бунинг оқибатида корхоналар қарз олиш ёки лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Президентимиз соҳадаги муҳим йўналишларни белгилаб берди. Хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида муқобил энергетикани ривожлантириш, бундай лойиҳаларга чет эл инвестициялари жалб этиш имконияти катта экани таъкидланди.

Ҳозирги кунда юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуриш бўйича Туркиянинг “Йилдирим груп”, Бирлашган Араб Амирликларининг “Маздар” жамғармаси ва Халқаро молия корпорацияси билан иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига умумий қиймати 2,5 миллиард долларлик 13 та истиқболли лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорларни аниқлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича манзилли “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш топширилди. Соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш учун хусусий ишлаб чиқарувчилардан электр энергияси сотиб олиш тартиби ва тарифларини белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, дебитор қарздорликни камайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Электр энергиясини экспорт қилиш бўйича мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, Сурхон — Пули-Хумри тармоғини қуришни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 февралдаги қарорида “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш белгиланган эди. Давлатимиз раҳбари бу қарорда ишлаб чиқарувчи — етказиб берувчи — тақсимловчи вазифалардан келиб чиқиб, корхоналар функциясини аниқ ажратиш, соҳага бозор муносабатлари, жумладан, давлат-хусусий шерикликни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИ 2019 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2018 йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида республиканинг 159 та туманидаги 417 та қишлоқнинг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида улардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ–5386-сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) доирасида ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштириш ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш мақсадида:

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатнинг келгусидаги жадал тараққиёти ёш истеъдодларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизимини ташкил қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратиш бўйича ишлар сифатини ошириш заруратини тақозо этмоқда.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. **Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари** ташкил этилсин.

2. **Қуйидагилар Президент мактабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

табиий ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларни ўқитиш ва улар билимини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика халқ таълими тизимига татбиқ этиш;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотиқлик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш;

ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш;

ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатни, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш;

ўқув дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш масалаларида худди шу йўналишдаги миллий ва хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, битирувчиларнинг илғор хорижий олий ўқув юртларида ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишини давом эттириш.

3. Белгилансинки:

Президент мактабларига қабул қилиш **республика умумтаълим муассасаларининг 4-синф** битирувчилари орасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган мантиқий фикрлаш тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбатлар натижаларига кўра амалга оширилади;

Президент мактабининг йиллик қабул квотаси 24 нафар ўқувчидан иборат бўлиб, **иккита синфга** бир хил — **12 нафардан ўқувчи тақсимланади**;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини янада қисқартириш, қурилиш материаллари саноатини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни рағбатлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида:

**(Давоми 2-бетда).**

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ




*Пойтахтимизда «Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзуида ташкил этилган халқаро конференция якунланди.*

Икки кун давом этган ушбу нуфузли анжуманда 30 дан ортиқ мамлакатлардан юздан зиёд етакчи олимлар ва сиёсатшунослар, нуфузли тузилмалар вакиллари қатнашди. Ялпи йиғилишларда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб йўналишларига оид 110 га яқин маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди. Пировардида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, минтақавий хавфсизлик, экология, сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, туризм, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича истиқболли таклифлар ва ташаббуслар билдирилди. Бинобарин, форум мазкур форматдаги учрашувларни ўтказиб туриш давр талаби эканлигини яққол кўрсатди.

4

Эксклюзив интервью

# СИРДАРЁНИНГ ЮКСАЛИШ БАҲОРИ КЕЛДИ



*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига кўклам арафасидаги ташрифи ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига янада катта янгиланиш, юксалиш баҳорини келтирди, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ташриф доирасида давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ўн йиллар давомида иқтисодий имкониятлари деярли аграр соҳа билан чекланган вилоятнинг яқин вақтларда мамлакатимизнинг йирик индустриал манзилларидан бирига айланишидан мужда беради.*

*Мухбиримиз вилоят ҳокими Ғофуржон МИРЗАЕВдан Президент томонидан белгиланган вазифалар ижроси, амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар хусусида эксклюзив интервью олди.*

***— Ғофуржон Ғаниевич, очиғи, биз, журналистлар бундан икки-уч йил аввал Сирдарёнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид янгиликлар топишда қийналар эдик. Бугун эса, муболаға эмас, кунда-кунора бир неча хушхабарни эшитамиз ва ҳатто уларнинг барчасини ёритишга улгурмай ҳам қоляпмиз...***

— Эътироф учун раҳмат, аммо мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган мислсиз янгиланишлар олдида бизнинг вилоятда бажарилган ишлар ҳали денгиздан томчидек гап, деб ўйлайман. Шу маънода, Президентимизнинг ҳар бир раҳбар, ҳар бир юртдошимиз руҳиятида фаолиятидан қониқмаслик, шахсий жавобгарлик масъулияти қарор топиши юксалишнинг энг асосий мезони экани ҳақидаги талабини келтириш ўринлидир.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИНИ 2019 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. 2019 йилда Дастур доирасида қуйидагилар:

мамлакатимизнинг 159 та туманида 1,6 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 478 та қишлоқда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун сарфланиши режалаштирилган 4,8 триллион сўм миқдоридаги харажатларнинг молиялаштириш манбалари 2-иловага мувофиқ;

умумий узунлиги 5 476 километрдан иборат минтақавий йўллар (ички кўчалар)ни таъмирлаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари 3-иловага мувофиқ;

1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ;

36 мингдан ортиқ ҳамда умумий узунлиги 2 458 километр бўлган тунги кўча ёритиш ҳамда 21 та алоқа тизимини яхшилаш чора-тадбирлари 5-иловага мувофиқ;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хусусан 556 та автобекат қуриш ҳамда умумий қиймати 46,3 миллиард сўмлик 189 та замонавий автобуслар харид қилиш бўйича чора-тадбирлар 6-иловага мувофиқ;

ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида 2 219 километр янги тармоқ ҳамда 221 та сув иншоотини қуриш, 729 километр тармоқлар ҳамда 163 та сув иншоотларини реконструкция қилиш чора-тадбирлари 7-иловага мувофиқ;

361 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан электр ва газ таъминоти тизимини яхшилаш чора-тадбирлари 8-иловага мувофиқ;

214,2 мингта якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар 9-иловага мувофиқ;

1 182 та кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш чора-тадбирлари 10-иловага ҳамда 378 та кўп хонадонли уй-жойлар ҳудудларини ободонлаштириш чора-тадбирлари 11-иловага мувофиқ;

280 та мактабгача таълим, 510 та мактаб, 237 та соғлиқни сақлаш ҳамда 439 та бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирлари 12–12.4-иловаларга мувофиқ;

жами 2 532 та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш юзасидан чора-тадбирлар 13-иловага мувофиқ;

ирригация-мелиорация соҳасида, жумладан, 296 километр ирригация ва 1 538 километр мелиорация объектларини қуриш ва таъмирлаш, 584 километр ирригация объектларини тозалаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар 14-иловага мувофиқ;

талаб этиладиган асосий турдаги қурилиш ва пардозлаш материаллари тўғрисидаги кўрсаткичлар 15-иловага мувофиқ;

Дастур параметрлари ижросини ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси 16-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–3630-сонли қарори билан ташкил этилган "Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда мазкур қарор параметрларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқларда 2019 йилда амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик (идора)лар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган туман ва қишлоқлар кесимидаги манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

Дастурга киритилган қишлоқ аҳоли пунктларидаги мавжуд уй-жойлар, бино ва иншоотлар, инфратузилма объектлари, ичимлик сув тизимлари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникацияларининг техник ҳолатини ўрганиб чиқиб, шу асосда 2019 йилда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг "тармоқ жадваллари"ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

Республика комиссияси (А. Раматов)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ташаббуслари асосида тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан келишган ҳолда Дастурга қўшимча қишлоқларни киритиш ҳамда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича иш ҳажмлари ва қийматларига аниқлик ва тузатиш киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Дастур доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, шунингдек, объектларнинг иш ҳажми ва лойиҳа-смета ҳужжатлари қийматининг асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан масъулдир.

Дастур доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича иш ҳажми ва смета қиймати оширилган тақдирда қўшимча талаб этиладиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар билан биргаликда республика бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниялари, шунингдек, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари тизимидаги буюртмачи хизматлар Дастурга киритилган объектлар бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Республика комиссияси (А. Раматов):

Дастурда иштирок этаётган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, ўзаро ҳамкорлигини таъминласин ҳамда юзага келган муаммоли масалаларни тезкор равишда ҳал этиш чораларини кўрсин;

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган кўрсаткичлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш юзасидан тизимли мониторинг юритиб, мунтазам равишда муҳокама қилиб борсин;

Дастур параметрлари бажарилишини кечиктирган ёки таъминламаган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар кўриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж. Қўчқоров ҳамда Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э. Ғаниев давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар асосида Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини ва бошқа молиявий манбаларни жалб этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Энергетика вазирлиги Дастурга киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникациялари тармоқлари қурилиши учун лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳисоботини (лойиҳаолди ҳужжатини) бир ой муддатда тайёрлаб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Ўзметкомбинат" АЖ, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ буюртмачилар ва лойиҳа ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Дастур доирасида 2019 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун биржа котировкаларининг ўртача нархларига мувофиқ ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан металл прокати, цемент ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ажратилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

ушбу қарорнинг талаблари ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлаш устидан назорат олиб борилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А. Раматов зиммасига;

ушбу қарор билан тасдиқланган йиғма кўрсаткичлар ва асосий параметрларга мувофиқ уй-жойларни таъмирлаш, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилма объектларини ўз вақтида ва сифатли қурилиши ва таъмирланиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А. Тўхтаев зиммасига;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтириш ва уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б. Хўжаев зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Қурилиш материаллари саноати корхоналари, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

**Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмаси**ни (кейинги ўринларда — "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси) ташкил этиш;

"Ўзқурилишматериаллари" АЖнинг бошқарув органлари йиғилишларида унинг хўжалик жамиятлари устав капиталларидаги акциялари (улушлари) пакетларини 1-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш орқали жамиятни тугатиш масалаларини кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) қурилиш материаллари саноатининг ихтиёрий асосда кирувчи корхоналари "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасининг аъзолари ҳисобланади;

б) "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси уюшма таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади;

в) "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тақдимномаси бўйича уюшма таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади;

г) "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасини жорий таъминлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш уюшма аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) қуйидагилар "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси аъзолари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича уларга таклифлар киритиш;

юқори қўшилган қийматли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ихтисослашган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш учун инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш;

талаб этилаётган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош қурилиш материаллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган буюмлар билан тўлдириш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

ҳудудларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш истиқболларидан, хом ашё базаси, инфратузилмалар, меҳнат ва бошқа ресурслар ҳамда бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда корхоналарни жойлаштиришга кўмаклашиш.

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 январга қадар** корхоналарнинг шартномалар бўйича "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасига тўланадиган ажратмалари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

4. **2019 йил 1 апрелдан бошлаб** шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкасидан геологик ўрганиш учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия** ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда берилади.

5. **Саноат кўламида ўзлаштириш учун инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар жалб этиладиган норуда фойдали қазилмалар конлари (участкалари)нинг рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан биргаликда салоҳиятли, шу жумладан, хорижий инвесторларни мазкур қарорнинг 5-банди билан тасдиқланган рўйхатга киритилган норуда фойдали қазилмалар конлари (участкалари)ни ўзлаштиришга жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. "Ўзқурилишматериаллари" АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **Қурилиш материаллари саноатидаги инвестиция лойиҳалари рўйхати** ишлаб чиқилганлиги ва унда қуйидагилар назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

**2019 — 2021 йилларда** умумий қиймати **1,3 миллиард** АҚШ доллари, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига **692 миллион** АҚШ доллари миқдорида амалдаги корхоналарни техник ва технологик янгилаш ҳамда янги корхоналар барпо этиш бўйича **67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш**;

2021 йилга цемент ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмларини **17 миллион** тоннага, архитектура-қурилиш ойнасини — **32 миллион** квадрат метрга, ёғоч-қипиқ плитаси (ДСП)ни — **380 минг** куб метрга, газ-бетон блокларини — **700 минг** куб метрга, гулқоғозларни — **4,5 миллион** рулонга, кўп қаватли уйлар қурилиши учун йирик панелли темир-бетон буюмларини — **180 минг** квадрат метрга етказган ҳолда **қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2019 йил 1 апрелга қадар** ушбу бандда белгиланган **Қурилиш материаллари саноатидаги инвестиция лойиҳалари рўйхатини,** шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ("йўл харитаси"ни) тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда ички ва ташқи бозорларда қурилиш материалларига бўлган талаб конъюнктурасини, шунингдек, чет эл бозорларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш асосида **янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдириш ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни** ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ ва қурилиш материаллари саноати корхоналарининг "ҚурилишматериаллариЛИТИ" МЧЖ **ихтисослаштирилган лойиҳа илмий-тадқиқот институтини** "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси таркибига кирувчи "ЎзқурилишматериалЛИТИ" МЧЖ **илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази этиб қайта номлаш тўғрисидаги** таклифи қабул қилинсин, қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Технологик ривожланиш агентлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда қурилиш саноатининг илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда илғор хорижий тажриба ва республиканинг хом ашё салоҳиятини инобатга олган ҳолда янги қурилиш материаллари ва улардан фойдаланиш технологиялари ишланмаларини ташкиллаштириш;

қурилиш материалларининг янги стандартларини фаоллаштириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, қурилиш тармоғида фойдаланиладиган қоидалар тўпламини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари ва буюмларнинг барча турларини сертификатлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш материаллари саноатининг талаб юқори бўлган йўналишлари бўйича мутахассисларга таълим бериш юзасидан ўқув режалари ва инновацион ўқув курсларини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий ўқув-методик адабиётлар ва қўлланмаларни тайёрлаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш, мутахассисларнинг стажировкасини, шу жумладан, хориждаги илмий-тадқиқот марказларида стажировкасини ўтказишни ташкиллаштириш;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган машиналар, асбоб-ускуналар ва техник тизимлар, саноат объектлари, шунингдек, энергетика ва муҳандислик инфратузилмаси объектларининг техник аудити, энергия аудити, диагностикаси ва экспертизасини ўтказиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

2018 йил якунига кўра "Ўзқурилишматериаллари" АЖнинг соф фойдасини унинг 20 фоизини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига дивидендларни тўлашга йўналтирган ҳолда тақсимланишини;

тугатилаётган "Ўзқурилишматериаллари" АЖнинг асосий воситалари, унинг таркибига кирувчи корхоналар ажратмалари бўйича юзага келган дебитор қарздорлик, жамиятнинг "ЎзқурилишматериалЛИТИ" МЧЖ ҳамда "Тоғ геология жамлама экспедицияси" МЧЖ устав капиталларидаги улушлари, шунингдек, акциядорларга берилиши керак бўлган ҳамда тугатиш жараёни якунланганидан кейин қоладиган жамиятнинг пул маблағларини "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасига беғараз ўтказишни;

"УКМ Транс авто" МЧЖни кейинчалик унинг автотранспорт воситаларини беғараз "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасига топширган ҳолда тугатишни таъминласин.

11. Қуйидагиларга:

иқтисодиёт ва саноат вазири Б. А. Ходжаевга — инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини мувофиқлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. У. Умурзоқовга — қурилиш материаллари саноатида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, тармоққа инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, экспортга мўлжалланган маҳсулот чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қувватларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори Н. С. Жўраевга — хўжалик жамиятларининг устав капиталларидаги, шу жумладан, ушбу қарорга мувофиқ "Ўзқурилишматериаллари" АЖдан қабул қилинадиган давлат акциялари (улушлари) пакетларини самарали бошқариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68-А уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 февраль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

биринчи ўқув йилида Президент мактабларининг **ҳар бирига** 5 — 10-синфларга **144 нафардан ўқувчи** ўқишга қабул қилинади;

Президент мактабларида таълим жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида** амалга оширилади;

Президент мактабларида **“STEAM — таълим”** (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури жорий этилади;

Президент мактабининг 9 — 11-синфларида ўқитиш ўқувчиларнинг қизиқишлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, айрим фанлар ва уларни ўрганиш даражасини танлаб олиш орқали **ўқув жараёнини индивидуаллаштириш**ни кўзда тутади;

асосий ўқув дастури билан биргаликда Президент мактабларида ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда **синфдан ташқари амалий машғулотлар ўтказиш** назарда тутилади;

Президент мактаблари битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини тақдим этувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилади;

Президент мактаблари **бевосита** Вазирликка **бўйсунади.**

4. Вазирлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар қуйидаги тартибларни белгилаб берувчи Президент мактаби ҳақидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Президент мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;

кириш имтиҳонларини ўтказиш ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва креатив фикрлашини баҳолаган ҳолда уларни қабул қилиш;

Президент мактаблари ходимларини, шу жумладан, юқори малакали хорижий мутахассисларни танлаб олиш, ёллаш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш;

Президент мактаблари фаолиятини молиялаштириш ва намунавий штат жадвалини тасдиқлаш.

5. Қуйидагилар:

2019 — 2021 йилларда Президент мактабларини қуриш жадвали 1-иловага мувофиқ;

Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларида Президент мактаблари фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Президент мактаблари фаолиятини ташкил этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Президент мактабларига қуйидаги масалаларда кўмаклашиш Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш ва амалга ошириш;

Президент мактаблари фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун чет эл инвесторлари маблағларини, техник ёрдам (грантлар) ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилиш;

Президент мактаблари маблағларини самарали бошқариш ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

Президент мактаблари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш, шу жумладан, таълим жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари ва услубларини, педагогик, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Комиссияга:

а) Президент мактабларини замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича намунавий лойиҳалар ва меъёрларни тасдиқлаш;

б) истисно тариқасида, танлов (тендер) савдоларини ташкиллаштирмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — лойиҳа ташкилотларини;

Президент мактабларини қуриш учун — пудрат ташкилотларини;

Президент мактабларини замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш учун — ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар)ни;

Президент мактабларида ўқув-методик раҳбарликни таъминлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва юритиш, шунингдек, ўқувчиларни қабул қилиш ва чет эллик юқори малакали мутахассисларни ёллаш учун — таълим соҳасида хизматлар кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Вазирликка Президент мактаблари қуриш учун ер участкаларини ажратиш бўйича таклифлар киритсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларидаги Президент мактаблари 2019 йил 20 августга қадар, республиканинг бошқа ҳудудларида эса тегишлича 2020 ва 2021 йил 20 августга қадар қуриб битказилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Вазирлик ҳузуридаги “Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК — Президент мактабларини қуриш ва уларни замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича буюртмачи этиб;

Вазирлик ҳузуридаги “Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонаси — Президент мактаблари фаолиятининг методик ва ахборот-таҳлилий таъминоти учун масъул ташкилот этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Президент мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Президент мактабларини қуриш ва замонавий асбоб-ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, Комиссия томонидан жалб этиладиган қўшимча маблағлар, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларида Президент мактабларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш “Prime Tower Group” МЧЖ (Тошкент шаҳри) томонидан Вазирлик ҳузуридаги “Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК билан ҳамкорликда амалга оширилади.

11. Лойиҳа ва пудрат ташкилотларига, истисно тариқасида, Президент мактаблари қуришни лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Президент мактабларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирликнинг буюртманомаларига асосан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган Президент мактабларининг чет эллик ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Белгилаб қўйилсинки, Президент мактабларининг жорий фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бунда жумладан қуйидаги харажатлар ҳам қопланади:

Президент мактабларининг, шу жумладан, шартнома асосида хизмат кўрсатувчи ходимларига иш ҳақи, устамалар, қўшимча ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар;

таълим соҳасида хизматлар кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотларнинг Президент мактабларида ўқув-методик раҳбарликни таъминлаш, таълим жараёнини юритиш ҳамда ўқувчиларни қабул қилиш ва юқори малакали хорижий мутахассисларни ёллаш бўйича хизматлари учун тўловлар;

ўқувчиларни бепул озиқ-овқат, мактаб формаси ва яшаш жойи билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Президент мактаблари фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа тадбирларни молиялаштириш харажатлари.

15. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 февраль

# СИРДАРЁНИНГ ЮКСАЛИШ БАҲОРИ КЕЛДИ

1

Маълумки, давлатимиз раҳбари ўтган йилги ташрифи чоғида вилоятимиз аҳолисининг ҳамжиҳатлигига “Сирдарё — юртга, Ватанга садоқат намунаси” дея юксак баҳо бергандилар. Ва бу таъриф сирдарёликларни жуда шодлантирганди. Шубҳасиз, нимагаки эришган бўлсак, уларнинг барчаси — Юртбошимизнинг Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги илғор ғоялари, ташаббуслари ва шахсий ибратларидан илҳомланган халқимизнинг бир ёқадан бош чиқариб, эртанги кунга ишонч билан ҳаракат қилаётгани самарасидир.

Вилоят ҳокими сифатида учинчи йилги фаолиятимдан келиб чиқиб, айта оламанки, қайсики раҳбар — хоҳ у корхона, хоҳ туман ёки вилоят ташкилоти етакчиси ёки депутат бўлсин, халқ ичига кириб, одамлар билан яқин мулоқотга киришиб ишламас экан, масалалар ечимида муаммоларга дуч келаверади.

Яна бир жиҳат шуки, оддий кишилардан ҳам раҳбар учун фойдали таклифлар эшитиш мумкин бўлади. Негаки, бугун юртдошларимизда Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси ва шахсий масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда. Президентимизнинг одамлар дунёқарашини ўзгартириш, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, тараққиётга ҳисса қўшиш иштиёқини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаётдан, давлатдан рози бўлиб яшашини таъминлаш борасидаги ғояларини амалда татбиқ этиш йўлида эришган энг катта ютуғимиз ҳам мана шу, албатта.

***— Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан республикамизнинг турли ҳудудларида кластер йўналишида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Шундан келиб чиқиб, айтинг-чи, кластер бўйича Сирдарё тажрибасини қандай тасаввур қиласиз?***

— Кластер тажрибаси бўйича тасаввур давлатимиз раҳбари куни кеча ташриф буюрган Мирзаобод туманидаги “Бек кластер” қўшма корхонасининг ўтган йилги натижаларидаёқ намоён бўлди. Яъни ишлаб чиқаришнинг мазкур замонавий занжир усули туфайли қайд этилган биринчи ижобий кўрсаткич шуки, корхона ихтиёрига берилган майдонлардан аввалги йиллардагига нисбатан 7 центнердан кўп ҳосил олинди. Бунга, аввало, ернинг унумдорлигини ошириш ва вегетация жараёнида илмий ҳамда инновацион ёндашувлар асосий мезон бўлди. Энг муҳими, кластернинг ҳар бир аъзоси пировард-натижа мўмай даромад келтиришини тўлиқ англади. Яъни буни ҳосил етиштирувчидан уни тайёр маҳсулот ҳолига келтирувчигача бўлган мустаҳкам ришта-занжир, деб тасаввур қилиш мумкин.

Албатта, вилоятимизда кластер усулини қўллаш фақат агросаноат соҳаси билан чекланмайди. Дейлик, ҳозир “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида фармацевтика йўналишидаги кластер пайдо бўлмоқда. Ҳали чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда бошқа соҳаларда ҳам ана шундай ишлаб чиқариш тузилмаларини ташкил этиш лойиҳаларимиз бор.

Шу билан бирга, кластерлар учун мутахассислар тайёрлаш ҳам мўлжалланганки, Президентимиз қўллаб-қувватлаган “Бек кластер”да давлат-хусусий шериклиги асосида очиладиган коллеж бу борада қалдирғоч таълим муассасаси бўлади.

***— Яна бир жиҳат, Сирдарёда иссиқхоналар ташкил этиш кенгайиб боряпти. Уларга айнан гидропоника усулини тўлиқ жорий этиш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилган?***

— Аввало, гидропониканинг Сирдарё вилояти ер шароити учун нечоғли аҳамиятли ва зарурлигини айтиб ўтсам. Биласиз, ҳудудимизда экин майдонларининг шўрланиш даражаси юқори. Ҳатто минглаб гектар ерлар неча йилдирки, яроқсиз ҳолга келиб, бекор турибди. Юртбошимиз бевосита танишган “Gran Ruta De La Seda” корхонасининг 9 гектарлик иссиқхонаси айни ўта шўрланган майдонда барпо этилди. Яна “Бек кластер” томонидан Гулистон ва Янгиер шаҳарлари оралиғидаги йўл ёқасидаги абгор ҳолда ётган ерда ҳам ана шундай йирик иссиқхона қурилди. Шу корхонага қарашли Тошкент — Термиз автомагистрали четидаги 35 гектарлик гидропоника усулидаги иссиқхона эса ўтган йили фойдаланишга топширилган эди. Бундай деҳқончилик хўжаликлари янада кўпаяди. Президентимиз топшириғига биноан, уларда етиштириладиган маҳсулотлар ассортименти ҳам ранг-баранг, энг муҳими, ташқи бозор талабига мос бўлади. Масалан, Мирзачўл қовунини плёнка остида етиштириб, Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги брендларидан бирига айланган ушбу полиз маҳсулотининг қишки экспортини ҳам йўлга қўйишни белгилаб олдик. Яна гидропоникада тупроқ ўрнини босувчи кокос чириндисини маҳаллий шароитда бамбук ўстириш орқали ҳосил қилишни мўлжаллаб турибмиз.

***— Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурига кўра, яна қандай инновацион лойиҳалар амалга оширилади?***

— Дарвоқе, бажарилиши белгиланган лойиҳалар вилоятнинг турли туман ҳамда шаҳарларини қамраб олганлиги узоқ ва чекка ҳудудларга ҳам саноатнинг кириб келишига, пировардида, энг аввало, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, “Сирдарё универсал ойна” корхонаси томонидан кластер усулида амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли зич жойлашган Сирдарё туманида бўлса, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан “Samsung Engineering” компанияси билан ҳамкорликда Янгиер шаҳрида йирик аммиак ва карбамид заводи қурилади. Саноат ишлаб чиқариши мундарижасига инвестиция маблағлари асосида ташкил этиладиган фармацевтика, тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ҳам қўшилади.

Сирдарё вилоятининг мамлакатимиз энергетика соҳасидаги ўрни Фарҳод ГЭСини модернизация қилиш, Сардоба сув омбори қошида кичик ГЭС қуриш лойиҳалари билан янада оширилади. Яна яқин вақт ичида “Сирдарё голден фрутс” масъулияти чекланган жамиятининг кўп тармоқли логистика маркази фаолият бошлайди. Шунингдек, мамлакатимизнинг Хитой, Италия ва Қозоғистон давлатларидаги элчилари иштирокида вилоятга тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажмини юксалтириш бўйича тақдим қилинган истиқболли лойиҳалар ҳам воҳанинг турли ҳудудларига жойлаштирилади. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан жами 4 минг 200 дан ортиқ иш ўринлари яратиш имконини берадиган 32 та тикувчилик мажмуаси эса бутун вилоят ҳудудини қамраб олади.

Жойларда кўплаб иш ўринлари ташкил этилишини таъминловчи паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, уруғчилик ва узумчиликни ривожлантириш ҳам устувор вазифа бўлиб қолади. Бугунги кунда долзарб масалага айланаётган суғоришнинг тежамкор технологияларини жорий қилиш, ер майдонларини қайта ўзлаштириш, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишига эришиши юзасидан ҳам бир неча лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Очиғи, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳали ҳудуднинг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Қишлоқларда саноат деярли йўқлиги ҳам бор гап. Шу боис махсус ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасида қишлоқ жойлари учун 342 та ўрта ва йирик инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилгани бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаши, шубҳасиздир.

***— Бир вақтлар, аниқроғи, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида олимлар Гулистонда баланд иморатлар қуриб бўлмайди, ер ости сувлари яқин, дейишганини эшитгандик. Бугун эса беш қаватли иморатлар барпо қилингани ҳолда, энди етти қаватли бинолар бунёд этишга ҳам киришилмоқда. Шу маънода, вилоят маркази, туман ва шаҳарларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.***

— Тўғри, яқин йилларгача Гулистон заминига бир-икки кетмон урса сув тўпланиб қолиши айни ҳақиқат эди. Ҳозир эса ундай эмас, сизот сувлар сатҳи анча пасайди. Негаки, кейинги пайтларда шаҳарнинг қоқ ўртасидан оқиб ўтувчи “Дўстлик” канали бетон билан қопланди. Тик қудуқлар тўлиқ ишга туширилиб, оқова сувларни марказлаштирилган коллектор орқали ташқарига чиқариб юбориш таъминланди. Ва энди бемалол баланд иморатлар қуриш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, ана шундай тураржой мавзесини жамоатчилик таклифи билан “Буюк келажак” деб атадик. Бу ерда ўтган йили 8 та беш қаватли уй қурилди ва 360 оила ўз хонадонига эга бўлди. Айни пайтда эса мавзеда 420 хонадондан иборат 7 қаватли 10 та уй қурилмоқда. Давлатимиз раҳбари қурувчиларимизнинг бу меҳнат маҳсулини “Сирдарё тажрибаси” сифатида жорий қилиш ҳақида берган кўрсатмалари эса бутун сирдарёликларга қувонч бахш этди.

Яна 40 гектар майдонни эгаллайдиган “Guliston City” қурилиши лойиҳамиз ҳам маъқулланди. 2019 — 2022 йиллар мобайнида уч босқичда амалга ошириладиган замонавий шаҳарчада кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўнгилочар масканлар, маданият ва бизнес маркази, анжуманлар саройи, таълим ҳамда тиббиёт муассасалари, меҳмонхона, ҳунармандлик уйи каби иншоотлар қурилади. Шаҳарнинг бошқа манзилларида ҳам кенг кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилади. Ховос шаҳарчасининг “Мирзачўл тажрибаси” асосида пайдо бўладиган янги маркази ҳар жиҳатдан кўркам бўлади ва энг муҳими, бу манзилнинг зах ҳудудида яшаётган аҳолига замонавий қулайликларга эга хонадонларда яшаш имконияти яратилади.

***— Туризм салоҳияти ҳақида гап кетганда, кўпроқ Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз тилга олинади. Сизнинг-ча, ана шу шаҳарлар йўлида жойлашган Сирдарё ҳудудига ҳам сайёҳларни жалб қилиш мумкинми?***

— Албатта, мумкин. Вилоятимизда тарихий ёдгорликлар Сардоба обидаси, Эски Ховостепа ва бошқа бир неча археологик аҳамиятга эга манзиллар билан чекланса-да, Сирдарёда экотуризмни ривожлантириш имконияти катта. Ана шу мақсадда бугун дарё бўйида бир неча туристик лойиҳалар татбиқ этиш устида ишлар олиб борилмоқда. Яна Тошкент вилоятидан Сирдарёга кириш остонасида сайёҳлар тўхтаб ўтадиган объектлар қурилиб, буюк Амир Темур бобомиз билан боғлиқ “Лой жанги” композицияси яратиляпти.

***— Маънавиятимиз, ғурур-ифтихоримиз биринчи ўринга чиқадиган вақт келди, дея алоҳида таъкидлади Президентимиз. Давлатимиз раҳбарининг бу ғоясини ҳаётга татбиқ қилиш борасида Сирдарёда қандай дастурлар белгиланмоқда?***

— Аввало, шуни айтиш лозимки, Юртбошимизнинг мазкур кўрсатмасини бажариш ота-онадан тортиб, вилоят раҳбаригача — ҳар бир кишининг кундалик вазифасига айланишига эришишга астойдил ҳаракат қиламиз. Хусусан, ташриф доирасида тақдимот қилинган китобхонликни кенг тарғиб этиш концепцияси асосида ҳам амалга оширмоқчимиз. Яъни мазкур концепцияга кўра, фарзанд тарбияси ҳали у туғилмасиданоқ бошланмоғи лозим. Сўнгра чақалоқлик, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги таълимгача вақтдаги тарбия тадбирлари белгиланган. Шу билан бирга, тез орада “O‘qituvchi” бренди билан Гулистон шаҳрида марказий китоб дўкони ташкил этиш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш режаларини ўз ичига олган концепциямиз ҳам бор.

Давлатимиз раҳбарининг Сирдарёда туғилиб ўсган, халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳаёти ва ижодига юксак эътироф сифатида Гулистонда унинг номидаги ижод мактаби ташкил қилиш ҳақида билдирган таклифлари барча сирдарёликлар, атоқли ижодкорнинг мухлислари томонидан зўр шоду ҳуррамлик билан кутиб олинганини айтиш менга мамнуният бахш этади. Шубҳасиз, мазкур таълим маскани ҳам ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига асрлар оша хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**суҳбатлашди.**




## Маҳаллий Кенгашларда

*Қашқадарёда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, умумий касалланиш кўрсаткичлари орасида нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ҳамда қон ва қон ишлаб чиқарувчи аъзолар билан боғлиқ хасталиклар юқорилигича қолмоқда.*

*Шу билан бирга, тизимдаги мавжуд тиббий-техника асбоб-ускуналарини янгилаш ва замонавий тиббиёт жиҳозлари билан тўлдириш зарурияти ҳали-ҳануз долзарблигини йўқотган эмас.*

# ТИББИЁТ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ЕТИШМАЯПТИ. НАТИЖАДА...

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бошчилигида парламент қуйи палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассисларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан жойларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати чуқур ўрганилмоқда.

Юқорида келтирилган хулосалар ишчи гуруҳининг жорий йил 18 — 20 февраль кунлари Қашқадарё вилоятидаги ўрганишлари якунларига асосан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида атрофлича муҳокама қилинди.

Ўрганиш чоғида ишчи гуруҳи аъзолари аҳоли хонадонларида бўлиб, сурункали касалликларга чалинган 4 мингдан зиёд фуқаролар ва эҳтиёжманд оилалар аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказди. Улардан 578 нафарига амбулатор, 396 нафарига туман тиббиёт бирлашмасида, 198 нафарига вилоят ва 16 нафарига республика соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаниш учун йўлланмалар берилди. 34 нафар беморда эса юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Республика ишчи гуруҳи вилоятда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда амалий ёрдам кўрсатди. Парламент қуйи палатаси депутатлари иштирокида ҳар бир туманда биттадан МФЙда ҳудудий бирламчи тиббиёт муассасаси раҳбарининг аҳоли олдидаги ахбороти эшитилди.

Вилоят аҳолиси билан ўтказилган суҳбатлар давомида тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари сезиларли даражада яхшиланганини эътироф этилди.

Тиббиёт муассасалари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларига ҳам олдинги йиллардагига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилаётгани маълум бўлди.

Таъкидлаш жоизки, республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида 2019 йилнинг ўзида 11 нафар беморда кардиожарроҳлик амалиёти, 33 нафарида короноангиография текшируви ўтказилган. 6 нафар беморга коронар томирни стентлаш, 1 нафар беморда перикардиоцентез, 3 нафарида юракни зондлаш амалиёти бажарилган. Бундай мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилиши кучли ва профессионал кадрларни талаб этади, албатта.

Ўрганишлар жараёнида кадрлар таъминоти ва салоҳияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда тизимдаги тиббиёт муассасаларини кадрлар билан таъминлаш даражаси 88,8 фоизни ташкил қилиши бу масалага жиддий ёндашиш лозимлигини кўрсатади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ўрганишлар давомида маълум бўлган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда келгусида йўл қўйилмаслиги чораларини кўриш масалаларини ўртага ташлади.

Вилоятда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш, санитар-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш чораларини белгилаш юзасидан ишлаб чиқилган дастур атрофлича муҳокама этилиб, тасдиқланди.

Унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижроси таъминланиши устидан депутатлик назоратини изчил ўрнатиш бўйича келишиб олинди.

Сессия якунида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси жамоаси “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбари

**Николай Эдмундович ЛАККАЙнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЛАДИ

1

Экспертлар йиллар давомида мавжуд бўлмаган юқори даражадаги кўп томонлама алоқалар қайта йўлга қўйилгани, минтақа мамлакатлари раҳбарларининг расмий, энг муҳими, норасмий мулоқот қилиш амалиёти янгиланганини алоҳида қайд этишди.

Анжуман якунлари бўйича ўтказилган брифингда мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов минтақа кун тартибидаги долзарб масалалар бўйича қарашлар Марказий Осиё давлатлари учун муштарак эканлигини таъкидлади.

Умуман олганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманга иштирокчилар юқори баҳо беришди. Ўз навбатида, минтақа равнақи йўлида Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар муносиб эътироф этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## *Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига*

**Санъат КУШКУМБАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари:**



— Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодиёт, сиёсат, маданий-гуманитар соҳалар бўйича ҳамкорликдаги ўсиш яққол кўзга ташланяпти. Чегаралар, сув, сиёсий масалалар комплекси бўйича мулоқот фаоллашмоқда. Бу Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати натижасидир. Фикримизча, транспорт-логистика сектори фаолиятида қўлланиладиган илғор ресурс тежамкор технологияларни рақамлаштиришга урғу бериш жуда муҳим. Инсон капитали ва ижтимоий ҳимоя тизимлари салоҳиятини ошириш мамлакатларимиз учун долзарб вазифадир. Билим, аҳоли саломатлиги ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш омили бўлади. Марказий Осиё республикалари одамлар турмуш сифатини яхшилаш, таълим даражасини ошириш, қўшма таълим лойиҳаларини яратиш учун саъй-ҳаракатларини бирлаштира олади.

**Қуваничбек ШАДИБЕКОВ,**
**Қирғизистон Республикаси Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори:**



— Ўзаро фойдали манфаатларни мувофиқлаштириш, ҳамкорликдаги ечимларни илгари суриш очиқ ва ишончли мулоқотнинг асосий мезонига айланади. Президент Шавкат Мирзиёев ҳамкорликнинг асоси сифатида айнан халқларнинг ҳаёт сифати ва хавфсизлигини яхшилаш учун минтақа ичидаги муносабатларнинг очиқлиги ҳамда ишончлилигини ошириш зарурлигига урғу бермоқда. Бу жараёнда эса доимий жонли мулоқот, турли даражадаги ўзаро алоқа муҳимдир. “Кўчманчилар ўйинлари”, ҳунармандлар кўргазмалари Марказий Осиёдаги маданий-гуманитар алоқаларнинг кенг форматдаги амалий намунасига айланди. Зеро, уларда минтақадаги барча давлатлардан вакиллар иштирок этди. Халқларимизнинг кўп томонлама ришталарни ривожлантиришга бўлган интилишлари яхши қўшничилик, маданиятлараро мулоқот учун мустаҳкам замин, ўзаро алоқалар учун пойдеворга айланяпти.

Ҳамкорликдаги тадқиқотлар тарихий-маданий бўшлиқларни тўлдириш ва умумий маънавий меросни бойитишга ёрдам беради. Ҳамкорликни чуқурлаштириш, ўйлашимизча, минтақа салоҳияти ва халқлари дўстлиги ҳақидаги Марказий Осиё телелойиҳасини яратиш, Иссиқкўлда минтақа мамлакатлари болалари учун халқаро дам олиш ва ривожланиш марказини ташкил этиш, қўшма мусиқа ва фольклор фестивалларини қайта тиклаш имконини беради.

**Петер БУРИАН,**
**Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:**



— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватладик. Айни пайтда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан ушбу фондни қўллаб-қувватлаш ва унга янада катта ҳисса қўшиш йўллари кўриб чиқиляпти.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, минтақада Афғонистон билан ҳамкорликни ривожлантириш, у ердаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференцияда давлатингиз раҳбари мазкур йўналишда ва умуман, минтақадаги ўзаро муштаракликни кучайтириш бўйича бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Бинобарин, Ўзбекистон охирги икки йилда Марказий Осиёдаги ўзаро мулоқот чуқурлашиши учун улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Биз ҳам бу интилишларни олқишлаймиз ва уларни қўллаб-қувватлашни истаймиз.

**Фредерик СТАРР,**
**Америка ташқи сиёсати кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси:**



— Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистон муаммосини ечишда фаол роль ўйнамоқда. Бу янги ҳодисадир. Президентингиз Афғонистон Марказий Осиёнинг қўшниси эмас, балки унинг бир қисми эканлигини бежиз таъкидламади. Айнан шундай нуқтаи назар инвестициялар борасида ҳам янги ва қизиқарли имкониятлар очади. Бу эса ҳамманинг манфаатларига тўғри келади.

**Эдуард СОЛОВЬЁВ,**
**Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти маркази раҳбари:**



— Ўзбекистонда ислоҳотлар олиб борилаётгани бу ҳаётий фактдир. Мамлакат халқаро миқёсда тан олинган янги раҳбари — Президент Шавкат Мирзиёев билан халқаро масалаларда ҳам ўзини ишонч билан намоён этяпти. Минтақадаги сув, чегара билан боғлиқ қатор муаммолар ҳал этилди. Албатта, буларни расмий Тошкентнинг позициясисиз амалга ошириб бўлмасди. Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида, янада кенгроқ маънода собиқ Иттифоқ ва умуман, Евросиё маконида улкан аҳамият касб этиб келмоқда.

**Фавзия Арал ҲАБИБИ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг Марказий Осиё бўйича Махсус вакили офиси мутахассиси:**



— Расмий Тошкент бизнинг мамлакатда тинчлик жараёнини илгари суришга бўлган содиқлигини кенг ифода этяпти. Бу Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил март ойида Ўзбекистон пойтахтида Афғонистон бўйича ўтказилган юқори даражадаги халқаро конференция чоғида илгари сурилган ташаббусларнинг мантиқий давомидир. Савдо, инвестициялар, юк ташиш, илм-фан ва маданият соҳаларида лойиҳалар рўёбга чиқариляпти. Хавфсизлик, суд ишлари юзасидан ҳуқуқий кўмак кўрсатиш бўйича қўшма комиссия тузилган.

Ўзбекистон Афғонистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шериклари, электр энергияси экспортчиларидан биридир. Мамлакатимиз Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзига хос кўприк ҳисобланади. Транспорт инфратузилмаларини шакллантириш минтақанинг транзит позициясини, Афғонистонни тинч хўжалик алоқаларига жалб қилишни кучайтиради, халқларимизнинг иқтисодий салоҳияти ва фаровонлигини юксалтиради.



**Аркадий ДУБНОВ,**
**эксперт, сиёсатшунос:**

— Ўзбекистон ислоҳотларни фаол олиб боряпти. Раҳбариятнинг хорижнинг энг илғор тажрибаси, амалиётини мамлакатга олиб киришга интилиши эътиборлидир. Бунда иқтисодиёт ва маданиятга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Сабаби бундай ёндашувдан олинадиган фойда мамлакат фаровонлигига хизмат қилишини тушунишмоқда. Мазкур мардона ҳаракат менда катта таассурот қолдиряпти.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

## *Спорт*

### Бешкураш янада ривожланади

*Ўзбекистон ҳамда Россия замонавий бешкураш федерациялари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.*

Унга кўра, икки мамлакат федерациялари Олимпия ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, спортнинг ахлоқий қадриятларини асраш, адолатли ўйин тамойилларини изчил татбиқ этиш ҳамда ҳар қандай кўринишдаги дискриминация, хусусан, ирқ, миллат, жинс ва ёшга доир камситишларни қоралаш, допингга қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилади.

— Бешкураш беш Олимпия спорт тури — сузиш, қиличбозлик, конкур, югуриш ва ўқ отишдан иборат, — дейди Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси раҳбари Баҳромжон Газиев. — Юртимизда спортнинг бу тури энди ривожланяпти. Мазкур меморандум бешкураш спорт турларини янада ривожлантириш, оммалаштириш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади.

### «Chimgan challenge»

*Тошкентда қишки спорт турлари бўйича бўлиб ўтган ёшлар фестивали ана шундай номланди.*

Мазкур турнирда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган 500 нафарга яқин йигит-қизлар тоғ чанғиси, сноуборд ва қор устида волейбол йўналишларида ўзаро куч синашди.

Якуний натижаларга кўра, тоғ чанғисида Сабина Режебова ҳамда Арман Гаюпов биринчи ўринни эгаллади. Сноубордда Оқил Фозилов рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этди. Волейболчилар ўртасида кечган баҳсларда омад “Чирчиқ-1” жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.**




РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ
«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!
ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабеллари узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда ундан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агарда сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада **қисқа 1133 рақамига** ёки «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Корхона, ташкилот ва аҳоли мурожаатлари учун енгиллик яратиш мақсадида, 1133 қисқа рақам — «Мурожаат телефони» ишга тушганлигини ҳамда у орқали ҳам бизнинг вакилларимиз билан боғланиш мумкинлигини маълум қиламиз.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи техник боғламаси** Тошкент ш., Қозитарнов кўчаси, 29-уй | 1133, 99-846-84-04, 99-858-84-04 71-234-20-11, 71-235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тошкент 1-кабель участкаси,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | 71-265-80-43 (соат 8.00 — 17.00), 99-871-19-40 |
| **Тошкент 1-кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | 71-250-37-45 (соат 8.00 — 17.00), 99-830-19-34 |
| **Янгийўл 2-кабель участкаси,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | 99-833-19-32, 99-890-19-31 |
| **Янгийўл 2-кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | 99-869-19-36 |
| **Тўйтепа 3-кабель участкаси,** Нурафшон ш., Спорт к., 45-уй | 99-858-06-80, 99-893-19-37 |
| **Тўйтепа 3-кабель участкаси,** Ангрен ш., Амир Темур к., 2-уй | 99-871-02-68 |
| **Тўйтепа 3-кабель участкаси,** Бекобод ш., Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | 99-871-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи техник боғламаси** Қўқон ш., Янги чорсу к., 264-уй | 1133, 99-365-03-79, 99-365-03-84, 73-554-42-42 (соат 8.00 — 17.00), 73-542-34-17, 73-542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | 73-529-24-55 (соат 8.00 — 17.00), 90-556-05-58, 99-365-03-48 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | 73-612-23-66 (соат 8.00 — 17.00), 99-365-03-44, 99-365-03-46 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нурободд даҳаси, телеминора | 69-225-08-82 (соат 8.00 — 17.00), 99-323-60-68, 99-324-90-08 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | 74-223-83-81 (соат 8.00 — 17.00), 99-900-09-45, 99-900-09-35 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи техник боғламаси** Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | 1133, 99-475-00-05, 99-474-10-09, 67-227-16-20 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Боғлама ЛКХЭС,** Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | 99-473-97-99, 67-225-49-05 |
| **Гулистон 1-кабель участкаси,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | 99-470-50-04, 67-227-00-44 |
| **Жиззах 2-кабель участкаси,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | 72-222-95-07 (соат 8.00 — 17.00), 99-474-60-63, 99-475-95-99 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | 1133, 99-599-01-99, 99-599-99-00, 99-599-01-66, 66-240-08-34 (соат 8.00 — 17.00), 66-442-68-15, 66-240-08-33 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи техник боғламаси** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | 1133, 99-701-11-07, 99-707-76-77, 65-221-92-74, 65-221-81-92 (кеча-кундуз). |
| **Бухоро 1-кабель участкаси,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | 65-221-92-46, 65-228-53-22 (соат 8.00 — 17.00), 99-707-60-15, 99-707-08-13 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи техник боғламаси** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | 1133, 99-954-86-86, 99-955-08-78, 61-222-37-07 (соат 8.00 — 17.00), 99-955-11-53, 99-955-68-19 |
| **Беруний кабель участкаси,** Тўрткўл ш., туман телекоммуникация боғламаси | 99-955-43-86 |
| **Беруний кабель участкаси,** Беруний ш., туман телекоммуникация боғламаси | 99-955-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., туман телекоммуникация боғламаси | 99-955-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей станцияси | 95-601-05-28 |
| **«ТТТ» филиали, Еттинчи техник боғламаси** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | 1133, 99-675-11-02, 99-678-88-20, 76-223-15-34, 76-223-13-85, 76-223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) 76-224-22-11 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | 99-675-25-64, 99-378-05-76 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | 76-224-07-65, 99-378-01-64, 76-413-17-71 |
| **«ТТТ» филиали, Саккизинчи техник боғламаси** Қарши ш., Ҳусниобод к., 1-уй | 1133, 99-665-05-41, 99-665-52-62, 75-221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қарши 1-кабель участкаси,** Қарши ш., Ҳусниобод к., 1-уй | 75-221-17-25, 99-660-05-23 |
| **Ғузор 2-кабель участкаси,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | 95-505-05-13, 99-660-05-12, 75-552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали, Тўққизинчи техник боғламаси** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | 1133, 99-965-52-55, 62-223-36-58, 99-965-28-78, 99-965-28-38, 62-224-51-69 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали, Ўнинчи техник боғламаси** Навоий ш., Садоқат кўчаси, 2-«Б» уй | 1133, 99-750-08-38, 95-603-07-38, 99-756-55-99, 93-539-55-99, 79-224-74-21 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | 99-750-02-42, 66-455-24-54 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | 95-603-33-25 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | 99-750-02-32, 79-593-09-35 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Нурота ш., Шароф Рашидов кўчаси, 32-уй | 95-603-31-32 |

1229/90

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.55 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6